ЎZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 1 январь, № 1 (4916) Жума


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Қадрли отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, азиз ўғил-қизларим, болаларим!

Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолган мана шу файзли ва шукуҳли дамларда сизларни қизғин муборакбод этишдан, барчангизга самимий меҳр ва ҳурматимни билдириб, эзгу тилакларимни изҳор қилишдан бахтиёрман.

Айни мана шундай унутилмас, гўзал оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз юртдошларимга янги йилда оилаларингизга шоду хуррамлик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги омадлар ёр бўлишини, кексаю ёш, ҳар қайси инсон қалбининг тўрида бўлган энг ёруғ орзу-ниятлар ушалишини чин юракдан тилайман.

Ҳурматли дўстлар!

Якунига етиб бораётган 2009 йилни кузатар эканмиз, йил мобайнида эл-юртимиз бошидан кечирган қанча-қанча синов, қийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтганимизни беихтиёр эслашимиз, бир сўз билан айтганда, бу йил мамлакатимиз учун осон келмаганини таъкидлашимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, аввалямбор, бутун жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган, ўзи билан ўта оғир салбий оқибатларни олиб келаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш, бу хавфнинг олдини олиш биз учун йил давомида ғоят мураккаб вазифа бўлиб тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Бугун барча мамлакатлар ва халқларнинг бошига тушган ана шу савдо, яъни иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, минглаб корхоналар касодга учраши натижасида ишсизликнинг кўпайиши, одамларнинг даромади ва турмуш даражасининг тобора пасайиб боришидан — бундай оғир қисматдан Ўзбекистонимизни, халқимизни сақлаб қолиш ва бу синовдан ёруғ юз билан чиқиш 2009 йилда биз учун энг асосий ва долзарб вазифага айланди.

Бизнинг бу борадаги ҳаракатларимиз юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширган ислоҳотлар ва мамлакатимизни янгилаш сиёсатининг, биз танлаган ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий тараққиёт йўлининг, инқирозга қарши ўз вақтида кўрган чора-тадбирларимизнинг нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Бу йил об-ҳавонинг ғоят ноқулай келиб, баҳордаги узлуксиз ёғингарчилик туфайли экиш мавсумининг бир ойга кечикиб кетгани ва бошқа кўплаб қийинчиликлар ҳосил тақдирини хавф остига қўйиб, қишлоқ хўжалиги учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирганидан ҳам ҳаммамиз хабардормиз.

Фақат кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган деҳқон ва фермерлар, мутахассисларимизнинг меҳнат жасорати, соҳага берилаётган доимий катта эътибор ҳисобидан барча қийинчиликларни енгиб, ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича белгиланган марраларга эришганимиз бу йилги энг катта ғалабаларимиз қаторига киради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.



Ўтиб бораётган йилга юртимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб ном берганимиз ва шу муносабат билан махсус давлат дастурини амалга оширганимиз қишлоқ ҳаётини обод этиш, қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш, уларнинг яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш каби ғоят муҳим мақсадларга эришиш йўлида қўйилган салмоқли қадамлар бўлди.

Шу борада бошлаган эзгу ишларимизнинг моҳияти ва кўламини, давлатимизнинг бу масалага қандай улкан аҳамият бераётганини ушбу дастурни бажариш учун барча манбалар ҳисобидан шу йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланганини ҳам кўрсатиб турибди.

Ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз, қишлоқ тараққиёти ва ободончилигига қаратилган бундай улкан харажатларимиз мамлакатимиз миқёсида, унинг турли соҳа ва тармоқларида — бу саноат ва қурилиш, транспорт ва коммуникация бўладими, таълим-тарбия, тиббиёт ва маданият соҳалари бўладими — бутун иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга ошираётган дастурларимизнинг узвий бир қисмидир.

Бугун ўз салбий таъсирини ўтказаётган инқирозга қарамасдан, 2009 йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 33,0 фоизга ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошгани бунинг яққол далили ва исботи, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуни ҳам катта мамнуният билан қайд этмоқчиманки, кириб келаётган 2010 йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини камида 30 фоизга кўпайтириш кўзда тутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг янги йил олди кайфиятига, албатта, янги қувонч бағишлайди.

Юртимизни тобора обод этиб, унинг қиёфасини бутунлай ўзгартираётган, Ватанимизнинг илдам ривожланиб боришини таъминлаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган бундай ютуқларнинг боиси, аввалямбор, мамлакатимизда тинчлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ҳукм сураётганидадир.

Энг муҳими, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги, унинг ҳаётга, ўз меҳнатига муносабати тобора ўзгариб, онгу тафаккури ўсиб бораётгани биз қўлга киритаётган марраларнинг ҳал қилувчи омили ва сабаби, десам, ўйлайманки, барчамизнинг фикримизни ифода этган бўламан.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб, мамлакатимиз миллий манфаатларимизга жавоб берадиган демократик жамият қуриш йўлидан изчил ривожланиб бораётганини, халқимизнинг ўз танлаган йўлига, эртанги кунига, ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончини яна бир бор амалда намоён этди.

Муҳтарам ватандошлар!

Кириб келаётган янги — 2010 йилга мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб ном берганимиз бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизнинг узвий ва мантиқий давоми бўлди.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган энг улуғ мақсадимиз бўлмиш келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш жараёни, лўнда қилиб айтганда, тараққий топган ва фаровон яшаётган давлатлар қаторига чиқиш вазифаси, табиийки, йиллар, балки ўн йилларни талаб қилади. Ва бу мақсад йўлида барчамизни белимизни қаттиқ боғлаб, қатъият ва фидойилик билан, астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Айни пайтда барчамиз яхши англаймизки, бундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш, кўп жиҳатдан, бугун униб-ўсиб келаётган, бизнинг давомчимиз, суянчимиз ва таянчимиз бўлган ёш авлоднинг зиммаси ва масъулиятига тушади.

Шу боис барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни **жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.**

Бугун биз тузаётган ва қабул қилаётган узоқ муддатли дастурларимиз айнан мана шундай ўта муҳим ва устувор мақсад ва муддаоларимизга жавоб берган ҳолдагина биз мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, дунёда яккаю ягона бўлган Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини муносиб даражага юксалтиришга эришамиз.

Айни шу мақсадга қаратилган, узоқ ва давомли келажагимизни кўзлаётган, бугун амалга ошираётган улкан дастурларимизда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш тармоқларимизни замонавий техника ва технология билан қуроллантириш масалалари билан бирга, энг замонавий ва кучли социал инфратузилмани барпо этиш борасида олдин бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, аҳолимизни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати доимо эътибор марказида туриши даркор.

2010 йилнинг давлат бюджети харажатларининг 59 фоиздан ортиғини айнан социал харажатлар ташкил этиши, фақатгина соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия соҳасига давлат харажатларининг 50 фоиздан зиёди йўналтирилганининг ўзи бунинг яққол тасдиғидир. Биргина тиббиёт соҳаси ривожи учун 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп, демакдир.

Айтиш мумкинки, социал соҳа ривожига бундай эътибор дунёда камдан-кам давлатлар тажрибасида учрайди.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги — 2010 йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, Яратганимиз ўз паноҳида сақласин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Янги – 2010 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, компаниялар бошлиқлари ўзларининг самимий табрикларини йўллашмоқда. Уларда Юртбошимизга ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, соғлиқ ва саломатлик, олиб борилаётган ишларда ютуқ ҳамда омадлар изҳор этишдек эзгу ниятлар билдирилган.*

*Жумладан, қуйидагилардан Янги йил қутловлари олинди:*

**БМТ Бош котиби Пан Ги Мун;**
**Норвегия Қироли Харальд V;**
**Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев;**
**Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов;**
**Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев;**
**Люксембург Буюк герцоги Анри;**
**Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рама Натан;**
**Испания ҳукумати Раиси Хосе Луис Родригес Сапатеро ва бошқалар ўз табрикларини йўллаганлар.**

*Самимий табриклар келиши давом этмоқда.*

# БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА

***Мамлакатимизда Янги йил шодиёналари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Тошкент майдонларида, хиёбон ва боғларида, кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.***

## Хорижлик меҳмонлар нигоҳи

**Альберт ГРАЙС (Германия):**

— Юртингизни телевизор орқали томоша қилиб, бу ерга оилам билан келишни ният қилган эдим ва орзуимга етганимдан хурсандман. Таассуротларимни таърифлашга ожизман. Мустақиллик майдонида безатилган улкан арча, турфа ўйинчоқлар, арча атрофида рақсга тушаётган шўх-шодон болалар майдонни эртаклар шаҳарчасига айлантириб юборган.

Фарзандлари билан дам олаётган ота-оналарни, байрам совғалари харид қилаётган қувноқ ёшларни, болакайларга совға улашаётган Қорбобо ва Қорқизни кўриб, юртингизга, одамларингизга чин дилдан ҳавасим келди. Фарзандларим ҳам яйраяпти. Юртингизда болаларнинг қишги таътили жуда мароқли ва сермазмун ўтиши учун яратилган шарт-шароит таҳсинга лойиқ.

**Ниша ГУПТА хоним (Ҳиндистон):**

— Ўзбекистонга тўрт йил аввал келгандим. Ўтган даврда юртингиз, хусусан, Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Кўплаб тарихий обида ва қадамжолар таъмирланибди. Амир Темур хиёбонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб, ҳайратим ошди. Кўплаб замонавий иншоотлар, жумладан, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи қад ростлабди. Бу гўзал бинонинг маҳобати ҳар қандай кишида унутилмас таассурот қолдириши аниқ. Ўзбекистонга бир неча йил келмаган киши бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушиши тайин.

Йил давомида барча орзиқиб кутадиган Янги йил байрами мамлакатингизда кўтаринки руҳда ўтаётганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, Мустақиллик майдонида бунёд этилган эртаксимон шаҳарча менда катта таассурот уйғотди. Бу ерда намойиш этилаётган байрам томошалари нафақат кичкинтойларга, балки катталарга ҳам манзур бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

# БОЛАЖОНЛАР «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ»ДАН МАМНУН

***БУХОРО. Вилоят марказидаги Ибн Сино номидаги маданият саройида "Президент арчаси" тадбири бўлиб ўтди.***

Унда шаҳар ва туманлардан келган боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари қатнашди. Бухоро давлат қўғирчоқ театри ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоалари томонидан намойиш этилган кўнгилочар томошалар, хусусан, Қорбобо ва Қорқизнинг чиқишлари уларда илиқ таассурот қолдирди.

Тадбирда 453 нафар болажонга Президент совғалари улашилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

***Мамлакатимизда навқирон авлоднинг комил инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилмоқда. Ҳеч бир ўғил-қиз эътибордан, ғамхўрликдан четда эмас.***

Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган "Президент арчаси" байрам тадбирида бу яна бир карра ўз тасдиғини топди. Шодиёнага 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган ўғил-қизлар таклиф этилди.

Болаларга Юртбошимиз номидан байрам совғалари топширилди. Вилоят болалар бадиий жамоалари ҳамда қўғирчоқ театри томонидан тайёрланган театрлаштирилган томоша болаларнинг Қорбобо ва Қорқиз, севимли эртаклар қаҳрамонлари билан биргаликдаги шўх-шодон рақсларига уланиб кетди.

Жиззах шаҳридаги 32-мактаб-интернат, кўзи ожиз болалар мактаб-интернати, Зарбдор, Пахтакор ва Фориш туманларидаги махсус мактаб-интернатлар, вилоят болалар шифохонаси, Ғаллаорол туманидаги болалар санаторийсида ўтказилган Янги йил байрам тадбирларида ҳам болаларга Президентимизнинг совғалари топширилди.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Киши ҳамиша эзгу ният, эртанги кунга ишонч ҳисси билан яшайди. Айниқса, тўю тантаналар, шоду хуррамлик онларида орзу-умидларимиз янада юксаклик сари бўй чўзади. Қалбларни ана шундай ёқимли ҳислар чулғаган қутлуғ кунда Янги йил тантаналари кенг нишонланаётган пойтахтимизнинг кўча ва хиёбонларини кезиб, юртдошларимизнинг пок ниятлари, ўй ва мақсадларига қулоқ тутдик.***

# ҚАЛБЛАРДА АЙЁМ ШУКУҲИ

**Хожибика АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани:**

— Ёшим етмиш учда-ю ўзимни яшариб кетгандек ҳис қилаяпман. Кенжатойим Янги йилни Тошкентдаги акаларим ва опам билан кутиб оласиз, деб мени олиб келди. Мана, болаларим ва невараларим билан бирга байрамни шоду хуррамликда нишонлаяпмиз. Одамларнинг юз-кўзидаги қувонч, байрамона кайфият, юртдошларим тилидан кўчаётган эзгу ниятлар кўнглимни тоғдек кўтарди. Буларнинг бари фаровон юртнинг, тинчлик-осойишталикнинг ярашиғидир.

Бизнинг ёшлик йилларимиз қийинчилик замонларига тўғри келган. Меҳнат қилардигу унинг роҳатидан бебаҳра эдик, бугунги ўғил-қизларимиздек дунё кўриш, катта-катта ютуқларни қўлга киритиш қаёқда эди, дейсиз. Ўзимнинг фарзандларим, набираларимдан қиёс. Беадад шукрки, ҳаммасининг келажагидан кўнглим тўқ. Уч ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказдим, бари олий маълумотли. Бугун улар ҳам фарзандларини нуфузли ўқув даргоҳларида ўқитишаяпти. Икки набирам Лондон университетида таълим олди. Уларнинг камолини кўраётганимдан, дориламон кунларга етганимдан бениҳоя бахтиёрман!

**Рустам МИРСАГАТОВ, Тошкент шаҳри:**

— 2009 йил бизнинг оиламизга катта қувончлар ҳадя этди. Фарзандим Абдусамаднинг туғилиши менга оталик бахти нима эканлигини, боламнинг келажаги учун масъуллик ҳиссини янада чуқурроқ англатди. Бугун биринчи бор жажжи фарзандимни байрам сайлига олиб чиқдик. У ҳали гапиришни билмаса-да, атрофдаги шодлик, мусиқа садолари, болаларнинг хуррамлигидан завқланаётганини сезиб турибмиз. Чунки кичкинтойимиз тинмай кулаяпти, атрофга қизиқиш, ҳайрат билан боқаяпти. Ота-она учун бундан ортиқ бахт бўлмас экан. Шу топда кўнглимда бир ният туғилди. Худо хоҳласа, уни шу юртнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнашини таъминлашга муносиб ҳисса қўша оладиган фидойи инсон қилиб тарбиялайман.

**Фахриддин ИКРОМОВ, чироқчилик тадбиркор:**

— Байрам барчамизга муборак бўлсин! Эзгу ниятли элнинг эртанги куни ёруғ, келажаги фаровон бўлади, дейдилар. Илоҳим, ана шундай ёруғ кунларимиз бардавом бўлсин! Истиқлолдек азиз неъмат тақдиримизга битилгани биз учун чинакам саодатдир. Бу бебаҳо бахтнинг қадрига етмоқлик, юрт равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш бугун ҳар бир ватандошимиз дилидаги асосий мақсад эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шубҳа йўққи, шундай бунёдкор эли бор мамлакат ҳамиша гуллаб-яшнайверади!

(Давоми 2-бетда).

# МЎЪЖИЗАЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ



***Бугун юртимиз бўйлаб қутлуғ айём шукуҳи кезмоқда. Ўзгача орзиқиш билан кутилган байрам — Янги йилда пойтахтимизнинг бош майдони, айниқса, ажиб фусункорлик касб этган. Ушбу муаззам гўшада юртдошларимиз байрам шодиёналарини кўтаринки кайфиятда нишонламоқдалар. Майдон узра қад ростлаган гўзал ва муҳташам арча атрофида жажжи кичкинтойлар, уларнинг ота-оналари, ўқувчи ва талабалар, мамлакатимизнинг олис шаҳару қишлоқларидан ташриф буюрган каттаю кичик жамулжам.***

Афсонавий гўзаллик касб этган Эртаклар шаҳарчаси, Қорбобо ва Қорқиз, совғалар ярмаркаси, театрлаштирилган томошалар болажонларга олам-олам завқ улашаётир. 10 январга қадар давом этиши кўзда тутилган мазкур тантаналар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

— Байрам тадбирлари давомида театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари намойиш этилиб, турли хил викторина ва беллашувлар ўтказилаяпти, — дейди

### Сурур

Бош майдондаги маданий-маърифий тадбирлар бош режиссёри Саъдулла Абдуллаев. — Ушбу дастурларга пойтахтимиздаги кўплаб театрларнинг таниқли актёрлари, шунингдек, эстрада хонандалари кенг жалб этилган. Болажонларнинг қишки таътили янада мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида ёш актёрлар ижросида "Янги йил саргузаштлари" деб номланган байрам томошасини саҳналаштирдик. Жажжи мухлисларимиз эртак томоша қилиш билан бир қаторда Қорбобонинг эсдалик совғаларидан ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Майдоннинг байрамона таровати, бу ердаги кўнгилочар тадбирлар барча-барчага хушкайфият бахш этаяпти. Кимники учратманг, қай бир юртдошимиз билан суҳбатда бўлманг, яхшиликлардан сўз очилади. Зеро, хайру саховат, меҳр-оқибат ва бунёдкорлик каби эзгу амалларга интилиб яшовчи халқимиз ўзининг бугунги фаровон турмушидан, тўкин ва осойишта ҳаётидан мамнун.

— Набираларим билан байрам сайлига келдик, — дейди янгийўллик Ҳабиба ая Нурматова. — Бу ердаги шоду хуррамлик биз, катталарни ҳам болалардек севинтирмоқда. Албатта, бу сингари тантаналар тинчлик, фаровонлик ҳукм сурган юртдагина кўнгилларга сиғади. Бундай дамда фақат эзгу ниятлар қиласан, орзу-мақсадларинг рўёбга чиқишига катта умид боғлайсан, киши. Илоҳим, ҳавас қилса арзигулик шундай ҳаётимизга, болаларимизнинг бахту саодатига кўз тегмасин, ҳар кунимиз, ҳар онимиз шодиёналарга бой бўлсин!



**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

### Жараён

***Ортда қолган йил мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеаларга, ўзгаришларга бой бўлди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қабул қилган, Сенатда маъқулланган ҳамда Президентимиз томонидан имзоланган 40 дан ортиқ қонунлар турмушимизга татбиқ этилди. Бу қонунларнинг аксарияти Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури ижроси билан боғлиқ эканлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Қуйида уларнинг айримлари хусусида тўхталамиз.***

## МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

• "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унга биноан, фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тўлиқ ҳажмда амалга ошириладиган бўлди.

• **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоялашда парламентимизнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди.**

• "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кириши муносабати билан барча иш берувчилар ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши белгилаб қўйилди.

• **"Почта алоқаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири тасдиқланди. Унга мувофиқ, мамлакатимиз почта алоқаси тизими фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиб, замонавий бозор иқтисодиёти жараёнларига мослаштирилди.**

• "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан соҳадаги муносабатларни қонун даражасида мустаҳкамлашнинг имконияти юзага келди.

• **"Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши эса ёнғин хавфсизлигини таъминлашда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берди.**

*Шу билан бирга, 2009 йилда мамлакатимизнинг Жиноят, Солиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Оила, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал кодексларига, бир қанча қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.*

***— Ўтган йил кўпгина юртдошларим қатори мен учун ҳам жуда омадли келди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ, Ватанимизнинг юксак мукофоти — "Шуҳрат" медали билан тақдирланганим хотирамда ўчмас из қолдирди. Ушбу мукофотни нафақат менга, балки бутун жамоамизга билдирилган катта ишонч, кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик, деб биламан.***

## ЎЧМАС ИЗ ҚОЛДИРДИ



### Туйғу

Ҳозирда барча соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радио соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугун журналист фаолиятига бўлган эътибор жуда юқори. Бу қалбимизни ифтихорга тўлдириш билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Мамлакатимизда давом этаётган ўзгариш ва янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, замондошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ўй-хаёллари, орзу-интилишларини ўзида акс эттирувчи юксак ғоявий-бадиий савиядаги телерадиомаҳсулотлар тайёрлаш мақсадида тинмай изланиш, ўз устимизда мунтазам ишлаш, мавжуд ижодий ва техник имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали билдирилган ишончни оқлашимиз мумкин. Бу борада, шубҳасиз, юқори малакали кадрларнинг ўрни салмоқли. Шу боис Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, дунёнинг қатор давлатларидаги етакчи телерадиокомпаниялар билан имзоланган шартнома ҳамда битимлар доирасида компания ходимлари мазкур мамлакатларда малака ошириш ва тажриба алмашиш имконига эга бўлмоқдалар.

Поёнига етган йилда Хитойда ўтказилган ана шундай ўқув-семинарлардан бирида мен ҳам қатнашдим. Пекин шаҳрида ташкил этилган ушбу тадбирда дунёнинг 13 давлатидан 29 нафар мутахассис иштирок этди. Унда мустақиллик йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда эришилаётган натижалар ҳақида ҳамкасбларимизга тўлқинланиб гапириб бердик. Шунингдек, Ўзбекистоннинг қадим ва бой тарихи, бугунги кунига бағишланган қатор фильмлар ҳам йиғилганларга манзур бўлди. Ўзаро фикр алмашиш асносида хорижликларда юртимизга бўлган қизиқиш жуда юқори эканига яна бир бор амин бўлдик. Айниқса, ёшларга берилаётган давлат миқёсидаги эътибор хусусида гапирганимизда уларнинг ҳаваси янада ортди.

Жорий йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилингани бу диёрда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга бўлган эътибор нақадар юксак эканини кўрсатади. Ўйлаймизки, 2010 йил барчамиз учун янгидан-янги зафарлар олиб келади. Мен шундай муқаддас юрт, бағрикенг халқ фарзанди эканимдан ҳамиша фахрланаман.

**Зоир ҚУРБОНОВ,**
**«Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖ директорининг биринчи ўринбосари.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси менда жуда катта таассурот қолдирди.**

## ОРЗУИМИЗ — БОЛАЛАРИМИЗ БАХТИ

Айниқса, Юртбошимизнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ерлар унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича салмоқли натижаларга эришилгани, бу машаққатли меҳнат замирида минглаб деҳқон ва механизаторларнинг фидокорона хизмати ётгани ҳақидаги фикрларидан бениҳоя тўлқинланиб кетдим.

Дарҳақиқат, ризқ-рўзимиз манбаи ердир. Унинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, албатта, жуда катта куч-ғайрат ва маблағни талаб қилади. Ҳукуматимиз бу масалага устувор вазифа сифатида қараяпти. Жорий йилда биргина бизнинг вилоятимизга республика Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив

### Дил сўзи

ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан 13 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилгани бунинг исботидир.

Мамлакатимизда маънавият, маданият, соғлом авлод тарбияси масалалари ҳам доимий эътиборда. Шу жиҳатдан олганда, 2010 йилнинг Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Зеро, фарзандларимиз, невараларимиз бахту камолини кўриб яшашга нима етсин!

Маҳалла ва жамоамиздаги учрашувларда маърузадан олган таассуротларимни сўзлаб берарканман, кўнгилда шукроналик ҳиссини туймоқдаман. Негаки, Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, биз эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

**Тўра НАРЗИЕВ,**
**«Аму-Бухороканалқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 4-кўчма механизациялашган колонна экскаваторчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Алехандро КАСИЛИЯС (Испания):**

— 2010 йилни халқингиз катта шодиёна билан кутиб олаётганининг гувоҳи бўляпман. Тошкент эртаклардаги каби сеҳрли шаҳарни эслатади. Кўчаларда безатилган арчалар, ранг-баранг чироқлар осилган дарахтлар ва бинолар кўзни қувонтиради. Жажжи болакайлар билан гавжум майдонлар, боғ ва хиёбонлардаги байрам тантаналари дилларга завқ бағишлайди. Янги йилни эртакмонанд диёрингизда кутиб олаётганимдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, халқингизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклайман. Истиқболда Ўзбекистон янада юксалишига тилакдошман.

**Абдулазиз АЛ-ВАДҲИЙ (Миср):**

— Янги йил — каттаю кичик, айниқса, болалар интиқлик билан кутадиган байрам. Янги йилни хорижий мамлакатда кутиб олишни кўпдан орзу қилар эдим. Ана шу орзуимни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистонни танладим. Юртингиз байрам кунлари янада гўзал ва мафтункор диёрга айланибди. Мустақиллик майдонидаги улкан арча болажонлар учун ажойиб туҳфадир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу жаннатмонанд заминда кўплаб миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, фаровон, тинч-тотув ҳаёт кечираётгани Ўзбекистонда барчага бирдек кўрсатилаётган улкан эътибордан далолатдир.

**Ёшихико КЮДЗО (Япония):**

— Тошкентга келишим билан байрам шукуҳининг гувоҳи бўлдим. Меҳмонхоналарда, супермаркет ва дўконларда, кўча ва майдонларда байрам нафаси уфуриб турибди. Безатилган арчалар, бозор расталаридаги турфа ўйинчоқ ва ранг-баранг совғалар кўзни қувонтиради.

Байрам кунлари чет эллик меҳмонларнинг, сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун юртингизда барча шароит муҳайё. Бу заминда ҳар бир байрам қизиқарли ва мароқли ўтишига ишонаман.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Мадина УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

***Ҳар ким ёшлигиданоқ ўз келажаги ҳақида ўйлайди, ширин орзуларга берилади — ўқисам, бирор касбни эгалласам, ишли бўлсам, эл-юртга нафим тегса, дея ният қилади. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, бундай эзгу мақсадларнинг рўёби учун юртимизда барча имкониятлар яратилган.***

## ҲАЁТ ЗАВҚИ

Жумладан, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларидаги шароитларни кўриб, ҳавасингиз келса, ҳар бир ҳудудда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилаётганидан дилингиз қувнайди. Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида 2010 йилни "Баркамол авлод йили" деб эълон қилдилар ва ушбу йилда ёшларга эътибор янада юқорироқ бўлишини таъкидладилар. Бундан биз жуда ҳам мамнун бўлдик.

Айтиш жоиз, бугун таълим даргоҳларини муваффақиятли тамомлаб, катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёш мутахассисларни ўз йўналиши бўйича ишга жалб қилиш ҳам давлатимизнинг диққат марказида турибди. Ўзимдан қиёс. Янгийўл туманидаги саноат касб-ҳунар коллежини тикувчилик йўналиши бўйича тамомлаганман. Жорий йил бошларида Янгийўл шаҳрида туркияликлар билан ҳамкорликда "ЕСЕ textil" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилганини эшитиб, жуда қувондим. Чунки корхона тикувчиликка ихтисослашган экан-да. Унинг мутасаддилари коллежни тамомлаганимни билгач, мени бажонидил ишга олишди.

Жамоамиз 95 кишидан иборат. Цехларимиз энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган. Биз, асосан, болалар учун турли хил кийим-кечаклар тикамиз. Сифати юқори бўлгани боис маҳсулотларимизга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб ортиб бораяпти. Хусусан, Россия ва Европа давлат-

### Фахр

лари асосий буюртмачиларимиз ҳисобланишади. Уларга ишимиз маъқул келаяптики, янги-янги таклифлар, буюртмалар билан мурожаат қилиб турышибди.

Маҳалламиздаги кўпни кўрган кексалар биз, ёшларга ҳамиша ҳавас билан қарашади. "Қанийди, ёш бўлиб қолсагу биз ҳам ана шундай жойларда меҳнат қилсак, ғайратимизни кўрсатсак", дейишади ва қўлларини дуога очиб, истиқлолга шукрона келтиришади, тинч ва фаровон юртимизга кўз тегмаслигини сўраб, ният қилишади. Уларнинг ана шу ниятига биз ҳам қўшиламиз.

**Дилафрўз МИРЗАЕВА,**
**Янгийўл шаҳридаги «ЕСЕ textil» масъулияти чекланган жамияти ишчиси.**

## ҚУТЛУҒ КУНЛАР ФАЙЗИ

— 2008 йил — Ёшлар йилида яхши ниятлар билан оила қурган эдик. Ўтган йили бизга ўғил фарзанд насиб этди. Оиланинг бахти, қувончи шунда экан. Турмуш ўртоғим Зилолахон билан жажжи чақалоғимизга Ҳабибуллоҳ, деб исм қўйдик. Жуда ҳам хурсандмиз. 2009 йилни эсга олганда, аввало, ана шу ширин дамлар хаёлимизга келади.

Имкон топилди дегунча оиламиз билан пойтахтимиздаги энг муқаддас маскан — Мустақиллик майдонига борамиз. Бу ернинг файзи, таровати ўзгача. Гўзал фавворалар, қишин-ёзин ям-яшил турадиган майсалар атрофида бир зумга сайр қилган киши ўзини яна тетик, бардам ҳис этиб, куч-қувватга тўлгандек бўлади. Мустақиллик ва эзгулик монументига қараб, истиқлол берган неъмат ҳақида ўйлаймиз. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка шукрона келтирамиз. Ниятимиз, мана шундай бағрикенг Ўзбекистонимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Биз ўз меҳнатимиз билан унинг ривожига ҳисса қўшишдан чарчамайлик.

**Фатхулла ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**тадбиркор.**
Тошкент шаҳри

## «ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ» ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА

***"Бухоробалиқ" масъулияти чекланган жамиятига қарашли 285 гектарлик сув ҳавзасида сазан, оқ амур, дўнгпешона каби балиқ турлари етиштирилмоқда.***

Жамият жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида истеъмолчиларга 40 тонна балиқ етказиб берди. Шу кунларда улар аҳолининг янги йил дастурхонига 10 тонна "луқмаи ҳалол" тақдим этиш мақсадида самарали меҳнат қилишмоқда. Дарвоқе, бу борада Қоракўл, Замонбобо ва Шўркўл сув ҳавзаларидаги соҳага ихтисослашган фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлаётир.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚАЛБЛАРДА АЙЁМ ШУКУҲИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

**Уч ёшли Фотима ва Зуҳра ДЕҲҚОНОВАлар:**

— Биз Қорбобога шеър айтиб берувдик, кейин у кўп совғалар берди. Ойим айтдилар, Қорбобо билан Қорқиз совғаларни бизга тоғлардан олиб келаркан. Ростданам, тоғлардан олиб келадими? Совғалар "Супеймайкет"да сотилади-ку...

**Ҳожимурод БЕКЧАНОВ, хонанда, "Ниҳол" мукофоти совриндори:**

— Болаликдан санъаткор бўлишни орзу қилардим. Бугун ниятга етиб, мана, халқ хизматида юрибмиз. Юртимизнинг Бош майдонида бўлиб ўтаётган шундай катта тантаналарда қўшиқ куйлаб, элнинг қувончига шерик бўлаётганимдан фахрланаман. Каттаю кичикнинг дилидаги қувонч, яхши ният, эртанги кунга бўлган ишонч ифодасини кўриб, илҳомланиб кетяпман. Баралла овозда қўшиқ куйлагим, рақс тушгим кеяпти. Байрамда мухлисларга "Куйдирдинг", "Хумор кўзлар" деб номланган янги қўшиқларимизни тақдим этдик. Янги йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олмоқдаман. У мени янгидан-янги ижодий изланишларга чорлайди, албатта.

**Озода ва Аннабиби ОЧИЛОВАлар, Тошкент шаҳри:**

— Биз — опа-сингиллар ҳар йили Янги йил байрамида Мустақиллик майдонига келмасак, кўнглимиз жойига тушмайди. Бу ердаги гўзаллик, мўъжизавий Эртаклар шаҳарчаси, муҳташам арча, унинг атрофидаги жажжи болажонларнинг қувончга тўла қийқириқлари — барибари ёқимли. Бундай гўзал тантаналар қалбда беғубор орзу-умидларни уйғотади, фақат яхшиликка интилиб яшагиси келади инсоннинг. Биз ҳам улғайдик, ақлимизни таниб, ота-онамиз ишончини оқлаш пайти келди, шунинг учун ҳам ҳаётда катта ютуқларга эришишни мақсад қилганмиз. Биримиз Ўзбекистон Миллий университетида, биримиз эса Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олаяпмиз. Ўқишни аъло баҳоларга битказиб, жамиятга наф келтирадиган малакали мутахассис бўлиб етишишга астойдил интилмоқдамиз. Чунки Президентимиз биз, ёшларга катта ишонч билдириб, эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқишимиз лозимлигини кўп бор таъкидлайдилар. Ўқиб билим олишимиз учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ана шу юксак ишончга муносиб бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Муборак ОХУНОВА ёзиб олди.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

ALOQABANK

*Serquyosh Vatanimiz xalqini va yurtimiz mehmonlarini*

*Yangi – 2010 yil bilan*

*samimiy muborakbod etamiz!*

*Barchaga sihat-salomatlik, omad, farovonlik tilaymiz!*




***OAT «Aloqabank»ning VISA Classic kartochkalaridan foydalaning!***

Тел.: (+998 71) 252 78 07
www.alokabank.uz
alokauz@uzpak.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

1424R/1838

## Азиз юртдошлар!

***Сизларни Янги йил билан самимий табриклаймиз!***

***Янги йил Сизга ва яқинларингизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, хонадонингизга файзу барака олиб келсин!***

***Барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқишига, юрт равнақи йўлида олиб бораётган масъулиятли ишларингизга ривож тилаймиз!***




AVTODOM PLUS
"ГАЗ" РУСУМИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ WWW.AUTO.UZ

**Автосалон:**
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 118-уй.
Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22.
**Офис:**
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998 71) 256-13-01, 256-10-36.

1433R/1577

# «ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ-ЭЛЕКТРОШЧИТ»

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

### Ўзбекистон халқини Янги — 2010 йил билан самимий қутлайди!

**Янги йил ҳар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат ва тўкинлик олиб келсин.**

# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



1898R/1944

# 2009 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?

**Дил изҳори**

— Юртимизда биз, ёшларнинг билим олишимиз, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз учун жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Мен ҳам ана шу ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, мақсадим сари интилаётганлардан бириман. Айни пайтда Тошкент молия институтининг магистратура таълим босқичида таҳсил олаяпман. Суғурта соҳасига қизиқишим юқори. Мақсадим, ушбу йўналишда фанларни чуқур ўзлаштириб, Ўзбекистон равнақи учун муносиб ҳисса қўшмоқчиман.

Албатта, ҳар бир йил ўзига хослиги билан эсда қоларлидир. Ҳозиргача кўплаб фан олимпиадалари ва танловларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдим. Уч йил муқаддам Навоий номидаги Давлат стипендиясига лойиқ кўрилгандим. 2009 йил ҳам унутилмас онларга бой бўлди. Шулар орасида менга ғурур ва ифтихор бағишлайдиган энг муҳим воқеа — Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори бўлдим. Ушбу ғамхўрлик менинг кейинги ютуқларим учун замин яратиб, янгидан-янги чўққиларни эгаллашимда руҳий қувват беради.

Ҳозирда "Иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида халқаро суғурта бозорининг ривожланиш тенденцияси" мавзуида илмий изланишлар олиб бораяпман. Жорий йилда ҳам ўзимга билдирилган ишончни оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламан.

**Асал ТЕМИРХЎЖАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори.**

# МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

— Мен бир санъаткор сифатида дунёнинг ривожланган, тараққиёт сари дадил одимлаётган кўплаб давлатларида сафарда бўлганман. Лекин шуниси диққатга сазоворки, ҳеч қаерда санъатга, маданиятга бўлган эътибор биздагидек даражада эмас. Бу биринчидан. Иккинчидан, 18 йил мобайнида санъат соҳасида бу қадар улкан ютуқларни қўлга киритишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун мен истардимки, ёшларимиз ўзларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрликнинг қадрига етишса, шунга муносиб бўлишса, нур устига аъло нур бўларди. Негаки, улар учун бугун барча шарт-шароит яратиб берилган. Тинчлик-хотиржамликнинг, ислоҳотларимизнинг меваси бу.

Биргина Ўзбекистон давлат консерваториясини олайлик. Марказий Осиёда ягона бўлмиш ушбу муҳташам санъат даргоҳида юзлаб иқтидор эгалари сабоқ олишаяпти. Уларнинг имкониятларини, эришаётган ютуқларини кўриб, қувонмаслик мумкин эмас. Бир қатор мамлакатларда ўтказилган анжуманларда ёш санъаткорларимизнинг чиқишлари эътибор қозониб келмоқда. Баркамол авлод йилидан ҳам умидимиз катта. Ўйлайманки, янги йилда эртамиз, келажагимиз ворислари бугунгидан-да юксакроқ марраларни забт этиб, ўзбек санъати довруғини дунёга ёйишади.

**Абдуҳошим ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти.**

— Истиқлол кўплаб истеъдодларни кашф этди. Шу билан бирга, эл меҳрини қозонган улуғ устозларимизга муносиб эҳтиром кўрсатилди. Президентимизнинг бевосита таклифлари билан санъатимиз, маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб санъаткорлар "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Қолаверса, истеъдод эгаси борки, қўллаб-қувватланаяпти. Бугунги кунга келиб, ёшлар орасидан шундай иқтидор эгалари етишиб чиқаяптики, улар ўз қобилиятлари орқали юртимиз довруғига довруқ қўшмоқдалар. Буларнинг барчаси, албатта, истиқлол шарофатидан.

2009 йил ҳаётимда унутилмас воқеаларга бой бўлди. Жумладан, Истиқлолимизнинг 18 йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармонига биноан, Ўзбекистон халқ ҳофизи деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг бундай эътиборидан бошим кўкка етди. Ўз ўрнида, бу унвонни санъатимизга бўлган эътибор сифатида қабул қилиб, қўлимга соз тутқазган, ширин суҳбатлари билан қалбимда қўшиқчиликка нисбатан битмас-туганмас илҳом ўтини ёққан устозларимга таъзим қиламан. Мақсадим, мана шундай юксак шарафни оқлаш, бир фарзанд сифатида сидқидилдан халқимизга муносиб хизмат қилиш.

**Оролмирзо САФАРОВ,**
**Ўзбекистон халқ ҳофизи.**

# 2010 йил — Баркамол авлод йили



*Инсон борки, ўз юрти, туғилиб ўсган гўшаси билан фахрланади. Унинг ютуқларидан қувонади, тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқни эзгу мақсад деб билади. Бинобарин, мустақиллик йилларида юртимизда беқиёс янгиланишлар рўй берди. Бу муваффақиятлар ҳар биримизга олам-олам фахру ғурур бахш этади. Айниқса, жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб номланиши ёшларимизга бемисл қувонч бахш этди. Янги йил шукуҳи қалбларимизга кўчган шу кунларда турли соҳада фаолият юритаётган ёш мутахассисларимизнинг дил изҳорларини тингладик.*

## БУЮК ИСТИҚБОЛНИНГ ЕТУК ФАРЗАНДЛАРИ

**Шаҳло ХОЛИҚУЛОВА,**
**Қибрай туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси:**

— 2010 йил остонасида Тошкентда беқиёс янгиланишлар рўй берди. Хусусан, пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан ободончилик ва бунёдкорлик ишларининг авж олиши туфайли ҳар бир кўча ва маҳалла кўркамлашди. Бу эса ўз ўрнида бизда хуш таассурот қолдириб, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди. Яқинда ўқувчилар билан байрамга мос тарзда кўриниш касб этган Мустақиллик майдонини томоша қилдик. Баланд арчани, унинг ранг-баранг чироқларини кўриб, қалбимиз ёришиб кетди. Ўқувчиларнинг беғубор сўзлари, эзгу ниятларига қулоқ тутиб англадимки, келажаги буюк давлатнинг фарзандлари ўз юрти ҳақида ғурур билан сўзлайди. Улар Баркамол авлод йилида юртимиз янада равнақ топишини, яхши ўқиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритишни ният қилишди. Зеро, эзгу орзу-умидларимиз тимсоли бўлмиш Бош майдонда қилинган ҳар бир самимий тилак ижобат бўлишига ишонамиз.

**Дилдора ҚУРБОНОВА,**
**«Ниҳол» мукофоти совриндори:**

— Мамлакатимизда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларга юксак билим бериш мақсадида бунёд қилиниб, юрт кўркига кўрк қўшаётган коллеж-лицейларимиз, мактабларимиздан кўз қувнайди. Шунингдек, илмга интилувчан ёшларимизнинг камоли учун яратиб берилаётган шарт-шароит, муҳташам ўқув юртлари ҳам йигит-қизларимизнинг баркамоллигига хизмат қилади. Мен ҳам истиқлол йилларида мана шундай таълим даргоҳларида таҳсил олиб, камол топдим, десам янглишмайман. Хусусан, якунланаётган йилда "Ниҳол" мукофотини қўлга киритдим. Президентимизнинг ташаббуслари билан таъсис этилган мазкур мукофот ёш хонандаю созандаларимизни доимий изланишга, янгидан-янги муваффақиятларга ундаб, минглаб иқтидор эгалари кашф этилишига хизмат қилаяпти. Масалан, ёш бўлишига қарамай, ўзининг салоҳиятини дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этиб келаётган пианиночи Гулруҳ Эргашева, скрипкачи Дилшод Назаровнинг изланишлари ва интилишлари таҳсинга лойиқ. Баркамол авлод йили мана шундай истеъдод эгалари ўзлигини кўрсатадиган йил бўлсин. Ахир биз, ёшлар эътибор, эъзоз ва ғамхўрлик оғушида яшаётган эканмиз, улкан ютуқлар билан бундай юксак рағбатга муносиб бўлишимиз керак.

### Қувонч

**Жаҳонгир УМАРОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази шифокори:**

— Истиқлол йилларида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган мана шу даргоҳда ишлаётганимдан ҳамиша фахрланаман. Чунки бу ерда доим малакали мутахассислар, таниқли шифокор-устозларимиз билан ҳамнафасман. Соғлиқни сақлаш тизимидаги туб бурилишлар, келтирилаётган энг сўнгги, замонавий тиббий ускуналар, тиббий хизмат сифатининг юксалиши — буларнинг бари юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳамизга қаратилаётган чексиз эътибор самарасидир. Президентимизнинг ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашлари бизнинг марказимизда ҳам ўз самарасини бермоқда. Бу ерда мен каби ёш шифокорлар кўп. Чет мамлакатларга бориб, малака ошириш, нуфузли тиббиёт марказлари тажрибасини ўрганиш учун бизни тез-тез сафарларга жўнатиб туришади. Мақсад, ёш мутахассисларни замон талаби даражасида шакллантириш. Энг мураккаб жарроҳлик ишларида иштирок этиб, бу борада, озми-кўпми, муваффақият қозонаётган эканмиз, шунинг ўзиёқ навқирон авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор мевасидир. Турли соҳаларда меҳнат қилаётган барча ёшларга муваффақият ва омад ёр бўлсин.

## Ўқувчилар учун янги йил туҳфаси

***Зомин ва Фориш туманларидаги иккита мактаб биноси янги йил арафасида қуриб фойдаланишга топширилди.***

Вилоятдаги "Гранд линк" ва "Санрайс" қурилиш фирмалари ушбу тумanлардаги 31 ва 70-умумтаълим мактаблари биносини қуриб битказди. Умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик мазкур ўқув масканлари ўқувчилар учун янги йил туҳфаси бўлди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Турфа олам

***Маълумки, ҳар бир миллатнинг ўзига хос байрамлари бўлади. Аммо Янги йил дунёнинг барча мамлакатларида бир хил шоду хуррамлик билан қаршиланади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Табиийки, уни нишонлаш жараёнида фарқланишлар ҳам йўқ эмас. Қуйида дунёнинг турли давлатларида бу кун қандай кутиб олиниши ҳақида тўхталиб ўтамиз.***

### Байрамни «кутиш» шоду хуррамлиги

Японияда байрам кириб келиши билан 108 марта қўнғироқ чалинади. Кунчиқар юрт вакилларининг изоҳлашича, ҳар бир чалинган қўнғироқ улардаги салбий хислатларни биттага камайтираркан. Шунингдек, эшикларга учта дарахт (қарағай, бамбук, олхўри) барглари осиб қўйилади. Бунинг маъноси эса қуйидагича. Яъни, бу мамлакатда қарағай — узоқ умр кўриш, бамбук — садоқат, олхўри — ҳаётни севишни англатади.

**Нидерландияда Янги йил кечаси учун вафли ва печенье пишириш русумга айланган.**

Испанияда соат 00:00 бўлганда 12 дона узум ёки майизни тилак айтиб ейиш урфга айланган.

**Буюк Британиянинг баъзи ҳудудларида "Янги йилни киритиш" удуми мавжуд. Яъни, соат тунги 12 га бонг уриши билан хонадоннинг орқа эшиги очилиб, эски йил "чиқариб" юборилади. Кейин эса олд эшикдан Янги йил "кутиб" олинади.**

Данияда шодиёна дастурхонидаги асосий таом олма қўшиб қовурилган ғоз ҳисобланади. Бундан ташқари, майиз ва долчин қўшилган гуручли бўтқа ҳам пиширилади. Аммо данияликлар бу таомни ўзлари тановул қилишмайди. Бўтқа тайёрланган идиш оғзи очиқ ҳолда қолдирилади. Изоҳланишича, ўша овқатни еган уй ажиналари йил бўйи бу хонадон эгаларига ёмонлик қилмас экан.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 18.15 Топширилди — 18.45 1 2 5